

# Куч – адолатда

Аدل ила оламузин обод қил!

2024 йил  
26 июль,  
жума  
№ 36-37  
(1019)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## Янги китоб

### «ҲОЗИРГИ ЗАМОН ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган янги китоби шундай деб номланади.

Ўзбекистоннинг бугунги янги қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон тараққиётида тутган ўрни ва мавқеи, муҳим халқаро ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки, долзарб масалалар бўйича илгари сураётган кўплаб ташаббусларнинг мазмун-моҳияти ушбу кенг қамровли, фундаментал асарда чуқур таҳлил ва далиллар, аниқ фикр-мулоҳазалар асосида теран ёритиб берилган.

Муаллифнинг кўп йиллик ижтимоий-сиёсий қарашлари, воқеликка янгича ва теран ёндашувларининг маҳсули бўлган китоб қуйидаги сўзлар билан бошланади:

“Тарих синовларидан ўтган ҳақиқат шуки, ўзини ўзгартиришга қодир бўлган, вақтни – имкониятга, имкониятни ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантира олган халқ – буюк халқдир.

Бундай халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, кўзлаган мурод-мақсадларига албатта эришади.

Мен ана шундай улғу эътиқод билан яшаётган халққа раҳбар бўлиб, одамларни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг қалбидagi эзгу орзу-умидларини

рўёбга чиқариш йўлида хизмат қилишни ўзим учун улкан шараф ва масъулият деб биламан”.

Дарҳақиқат, Президент Шавкат Мирзиёев серқирра фаолиятининг маъно-маъмунига айланган, кейинги етти йил давомида мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотларнинг марказида бўлиб келаётган миллий мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш, инсон қадрини улуғлаш каби эзгу тушунчалар мажмуи китобнинг бош ғояси, асосий лейтмотивини ташкил этади.

Ҳеч шубҳасиз, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясининг туб мақсади ва негизидa мужассам бўлган ғоя ва интилишлар бугунги кунда мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақл-заковати билан реал воқеликка айланиб бормоқда. Китобни мутолаа қилиш жараёнида бу ҳақиқатни янада чуқур ҳис этишимиз ва мана шундай тарихий ўзгаришлар даврида бу улғувор ўзгаришларнинг нафақат гувоҳи, балки фаол иштирокчиси бўлиб



яшаётганимиздан албатта фaхрланамиз.

Жами 6 бобдан иборат китобнинг “Инсоният танлаган барқарор ривожланиш йўли” деб номланган

бобида муаллиф ўқувчи эътиборини ҳозирги замондаги асосий хавф-хатарларга қаратади. Бу таҳдидларни келтириб чиқар-

нинг натижалари таҳлилга бағишланган. Муаллиф таълим, тарбия, илм-фан ва маданият, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, камбағалликка қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бугунги кунда Ўзбекистонда инсон қадрини юксалтириш, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаётини манфаатларини таъминлашга қаратилган муҳим ислохотларнинг ажралмас бир қисмига айланиб, аниқ самара бераётганини ҳаётини мисоллар орқали кўрсатиб беради.

“Менинг энг катта ниятим – мамлакатимизда камбағаллик ва ишсизликка бутунлай барҳам беришдир, – деб ёзади Президентимиз. – Шундай кунлар келишига ишончим комил ва бунинг учун бор куч ва имкониятларимни, борлигимни бағишлашга тайёрман”.

Албатта, тарихан қисқа муддатда мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ривожланишга эришиш асосида халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2024 йил 25 июнь № 21 Тошкент шаҳри

### Судлар томонидан иқтисодий ишларни тафтиш тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ҳамда қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тушунтирилсинки, иқтисодий ишларни тафтиш тартибида қайта кўриш куйи инстанция судлари ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослиги, улар томонидан моддий ҳуқуқ нормаларига риоя этилишини таъминловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 307-моддасида келтирилган суд ҳужжати устидан тафтиш тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати тугал ҳисобланиб, уни кенгайтирилган тарзда талқин этилишига йўл қўйилмайди.

Агар ишда иштирок этувчи шахслардан бири низоли ёки суд ҳужжати билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган бўлса (юримдик шахснинг қайта ташкил этилиши, талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши, фуқаронинг ўлими ва мажбуриятлардаги шахслар ўзгаришининг бошқа ҳолларида), ушбу шахснинг ҳуқуқий вориси ҳам тафтиш тартибидаги шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда, ҳуқуқий ворис томонидан берилган тафтиш тартибидаги шикоятга ҳуқуқ ва бурчлар ўтганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

(Давоми 2-бетда) ▶

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2024 йил 25 июнь № 22 Тошкент шаҳри

### Судлар томонидан маъмурий ишларни тафтиш тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, маъмурий ишларнинг тафтиш тартибида қайта кўрилиши суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослигини, судлар томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини ва процессуал қонун талабларига риоя этилишини таъминловчи ҳуқуқий институтнинг муҳим қисми ҳисобланади.

2. Тушунтирилсинки, суд қарорлари устидан тафтиш тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади) 249-моддасида келтирилган.

тафтиш тартибида шикоят қилишга, башарти бундай ҳуқуқ ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада махсус кўрсатилган бўлгандагина ҳақиқат (МСИЮТК 62-моддасининг иккинчи қисми).

Ишда иштирок этувчи шахснинг шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахснинг ҳуқуқий вориси томонидан берилган тафтиш шикоятига ҳуқуқ ўтганлиги фактини ёки бундай ҳуқуқ ўтиши мумкинлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (юримдик шахснинг қайта ташкил этилганлиги, ҳуқуқнинг мерос тартибда ўтиши, никоҳ, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, васиятнома ва ҳоказо.) илова қилиниши керак.

Шу билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига кўра, айрим шахслар, ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланмаса ҳам бошқа шахслар манфаатида суд ҳужжати устидан тафтиш тартибида шикоят беришга ҳақиқат (масалан, ўз аъзолари манфаатида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси).

Суд ҳужжати устидан тафтиш тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг қонуний вакили (ота-оналар, фарзандликка олганлар, вазий, ҳомий ва ҳоказо.) томонидан келтирилган тафтиш тартибидаги шикоятга унинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши лозим (МСИЮТК 59-моддаси).

Ишда иштирок этувчи шахснинг вакили, шу жумладан, адвокат, суд ҳужжати устидан

3. Тушунтирилсинки, МСИЮТК 250-моддасининг мазмунига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди (бундан буён матнда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар деб юритилади) томонидан туманлараро маъмурий судларнинг, ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирган, апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим, қарори, шунингдек, апелляция ёки кассация инстанциялари судларининг қарори, ажрими устидан берилган шикоятлар (протестлар) ни тафтиш тартибида кўриб чиқади.

(Давоми 4-бетда) ▶

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб этиш ҳамда ишсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда Президентимизнинг фармон ва қарорлари, видеоселектор мажлисларида янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартиришга доир устувор вази-фалар белгилаб берилаётгани муҳим ўрин тутаяди.

## Қонун ижодкорлиги

### Аҳоли бандлигини рағбатлантириш ва тадбиркорликни кенгайтириш

бу борадаги қонунчилик янада такомиллаштирилмоқда



Айтиш кераки, Олий Мажлис Сенатининг эллик тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган янги қонун билан “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунга муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани бу борадаги ислохотларни ҳуқуқий

жиҳатдан қўллаб-қувватлашда алоҳида ўрин тутаяди. Айтиш кераки, маъқулланган янги қонун билан “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқлаштирилмоқда.

(Давоми 5-бетда) ▶

## Моҳият

### Аралаш сайлов тизими:

хорижий тажриба ва миллий ёндашув

Дунё мамлакатлари ижтимоий-сиёсий тараққиётида турфахиллик уларнинг сайлов тизимларида ҳам ўз аксини топган. Бу ҳолат мажоритар, пропорционал ва аралаш сайлов тизимларининг шаклланишига асос бўлди.

Агар мажоритар сайлов тизими аниқ бир номзоднинг сайлов округида сайловчиларнинг кўпчилик овозини олиши зарурлиги билан тавсифланса, пропорционал сайлов тизими вакиллик органига ўз номзодларини кўрсатган партиялар ўртасида мандатларни тақсимлаш улар олган овозлар сонига мувофиқ амалга оширилишини билдиради.

Бироқ мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг ҳар иккаласи ҳам бир қатор камчиликлардан холи эмас. Масалан, мажоритар сайлов орқали парламентни шакллантиришда сайловчилар томонидан берилган ҳар бир овоз эмас, балки сайловда ғолиб бўлган номзодга берилган овозлар инобатга олинади, холос.

Ўз навбатида, мағлуб номзодларга берилган овозлар бирор-бир аҳамиятга эга бўлмайди, яъни “куйиб” кетади. Бундан ташқари сайловда асосий эътибор номзодларга қаратилгани туфайли ушбу тизим кўппартиявийликнинг ривожланишига етарлича шароит яратмайди.



Мажоритар сайлов тизимининг яна бир камчилиги шундан иборатки, биринчи турда кўрсатилган номзодларнинг ҳеч бири сайланмаслиги эҳтимоли мавжуд. Натижада такрорий овоз бериш ва уни молиявий таъминлаш зарурати пайдо бўлади.

Молиявий таъминот масаласи, шунингдек, вакиллик органидаги бўшаб қолган депутатлик ўрнини тўлдиришда ҳам юзага келади. Бу давлат бюджетидан сайлов харажатлари учун ҳар беш йилда бир марта эмас, балки доимий равишда маблағлар сарфланишини тақозо этади, деган маънони англатади.

Шу каби айрим камчиликларни пропорционал сайлов тизимида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, ҳеч бир партия сайловчиларнинг мутлақ кўпчилик овозини тўплай олмаса, ҳуқуқматни шакллантириш учун у бошқа сиёсий партиялар билан коалиция тузишга мажбур бўлади.

(Давоми 5-бетда) ▶

### Фуқароларнинг 79,5 миллион сўм иш ҳақлари ундириб берилди

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин қасб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда

кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган.

(Давоми 5-бетда) ▶

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

# Судлар томонидан иқтисодий ишларни тафтиш тартибда кўришнинг айрим масалалари тўғрисида

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

3. Судларга тушунтирилсинки, ИПК 50-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, давлат органлари ва бошқа шахслар (масалан, адлия органлари, фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ва ҳоказо.) даъво улар томонидан тақдим этилган ҳолдагина суд ҳужжати устидан тафтиш тартибда шикоят беришлари мумкин.

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тадбиркорлик субъектлари манфаатида ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, унинг ҳудудий бошқармалари Палата аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатини кўзлаб, улар судга даъво аризаси (ариза) билан мурожаат қилган ёки қилмаганлигидан қатъий назар суд ҳужжати устидан тафтиш тартибда шикоят бериши мумкин.

4. ИПКнинг 308-моддасига кўра, тафтиш тартибдаги шикоят (протест):

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати томонидан кўрилади. Апелляция ёки кассация тартибда кўрилган ишлар бўйича туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари, шунингдек, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг қарорлари устидан берилган тафтиш тартибдаги шикоятлар (протестлар) Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан тафтиш тартибда кўрилади.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан тафтиш тартибда кўрилган ишлар бўйича қабул қилган суд ҳужжатлари, ушбу судларнинг тафтиш тартибда қабул қилган суд ҳужжатлари ва ушбу судлар томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган, апелляция ёки кассация тартибда кўрилган суд ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган, апелляция ёки кассация тартибда кўрилган суд ҳужжатлари, ушбу судларнинг тафтиш тартибда қабул қилган суд ҳужжатлари ва ушбу судлар томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган, апелляция ёки кассация тартибда кўрилган суд ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида тафтиш тартибда кўрилган ишлар бўйича қабул қилган суд ҳужжатлари, ушбу судларнинг тафтиш тартибда қабул қилган суд ҳужжатлари ва ушбу судлар томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган, апелляция ёки кассация тартибда кўрилган суд ҳужжатлари, шунингдек, тафтиш тартибда қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан берилган тафтиш тартибдаги шикоятлар (протестлар) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида тафтиш тартибда кўрилган ишлар бўйича қабул қилган суд ҳужжатлари, ушбу судларнинг тафтиш тартибда қабул қилган суд ҳужжатлари ва ушбу судлар томонидан биринчи инстанция бўйича қабул қилинган, апелляция ёки кассация тартибда кўрилган суд ҳужжатлари, шунингдек, тафтиш тартибда қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан берилган тафтиш тартибдаги шикоятлар (протестлар) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади.

Бунда, тафтиш тартибда кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари деганда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ишни мазмунан кўриш натижаси бўйича қабул қилган суд ҳужжатлари тушунилиши лозим. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан тафтиш тартибда қабул қилинган суд ҳужжатлари деганда, тафтиш тартибдаги шикоятни (протестни) кўрмасдан қолдириш, тафтиш тартибдаги шикоят (протест) бўйича иш юритишни тугатиш, иш юритишни тўхтатиб туриш, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қабул қилиш тўғрисидаги ажримлар ва ИПКда шикоят қилиниши мумкин бўлган бошқа ажримлар тушунилиши лозим.

Тафтиш тартибдаги шикоятни берган шахснинг аризасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати ёки унинг ўринбосари томонидан бекор қилиниши мумкин бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг тафтиш тартибдаги шикоятни қайтариш, иш юритишга қабул қилишни рад этиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажримлар бундан мустасно.

Ушбу банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларидан кўрсатилган суд ҳужжатлари билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси

Олий суди судьясининг тафтиш тартибдаги протестни иш юритишга қабул қилишни рад этиш ва қайтариш тўғрисидаги ажримлари устидан ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатига протест келтирилиши мумкин (ИПК 324<sup>12</sup>-моддасининг учинчи қисми).

5. Қонунга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари номига йўлланадиган тафтиш тартибдаги шикоят (протест) ҳал қилув қарорини қабул қилган судга берилади, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига йўлланадиган тафтиш тартибдаги шикоят (протест) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатига йўлланадиган протест бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилади (ИПКнинг 309-моддаси).

6. ИПК 310-моддасининг биринчи қисмига кўра, тафтиш тартибдаги шикоят (протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилади.

Агар бир йиллик муддатнинг тугаши тегишли санаси бўлмаган ойда тўғри келса, муддат шу оянинг охириг кунида тамом бўлади. Агар охириг кун иш куни бўлмаган кунга тўғри келса, муддат ундан кейин келадиган биринчи иш кунида тамом бўлади.

Ҳал қилув қарори у қабул қилинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ўтгач, соддалаштирилган иш юритиш тартибдаги, ҳуқуқий таъсир чорасини кўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори эса у қабул қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ўтгач, қонуний кучга киради, агар унинг устидан апелляция тартибда шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса. Апелляция тартибда шикоят (протест) берилган ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради (ИПКнинг 192, 203<sup>3</sup>, 222-моддалари, 262-моддасининг иккинчи қисми).

Ҳал қилув қарори, ажримининг устидан апелляция тартибда шикоят қилинган (протест келтирилган) бўлса, ИПК 310-моддасининг биринчи қисмида белгиланган тафтиш тартибда шикоят бериш муддати апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради (ИПКнинг 192, 203<sup>3</sup>, 222-моддалари, 262-моддасининг иккинчи қисми).

Агар тафтиш тартибдаги шикоят (протест) почта орқали процессуал муддатнинг охириг кун ичида йўлланган бўлса, тафтиш тартибда шикоят бериш санаси алоҳа хати қабул қилинганлигини тасдиқловчи конвертдаги штамп, бюрорма хат қабул қилинганлиги ҳақидаги қитванция ёхуд бошқа ҳужжат бўйича белгиланади.

Агар шикоят ва унга илова қилинган ҳужжатлар электрон ҳужжат тарзида юборилган, тегишли органга ёхуд уларни қабул қилиб олиш ваколатига эга бўлган шахсга процессуал муддатнинг охириг кун ичида йўлланган бўлса, тафтиш тартибда шикоят бериш санаси алоҳа хати қабул қилинганлигини тасдиқловчи конвертдаги штамп, бюрорма хат қабул қилинганлиги ҳақидаги қитванция ёхуд бошқа ҳужжат бўйича белгиланади.

Агар шикоят ва унга илова қилинган ҳужжатлар электрон ҳужжат тарзида юборилган, тегишли органга ёхуд уларни қабул қилиб олиш ваколатига эга бўлган шахсга процессуал муддатнинг охириг кун ичида йўлланган бўлса, тафтиш тартибда шикоят бериш санаси алоҳа хати қабул қилинганлигини тасдиқловчи конвертдаги штамп, бюрорма хат қабул қилинганлиги ҳақидаги қитванция ёхуд бошқа ҳужжат бўйича белгиланади.

Агар шикоят ва унга илова қилинган ҳужжатлар электрон ҳужжат тарзида юборилган, тегишли органга ёхуд уларни қабул қилиб олиш ваколатига эга бўлган шахсга процессуал муддатнинг охириг кун ичида йўлланган бўлса, тафтиш тартибда шикоят бериш санаси алоҳа хати қабул қилинганлигини тасдиқловчи конвертдаги штамп, бюрорма хат қабул қилинганлиги ҳақидаги қитванция ёхуд бошқа ҳужжат бўйича белгиланади.

судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибда шикоят (протест) бериш муддати Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан ишни тафтиш тартибда кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинганга қадар ўтган бўлса, шикоят (протест) ушбу судлар томонидан ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин (ИПК 310-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари).

6.2. Тафтиш тартибдаги шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддати тафтиш инстанцияси суди судьяси томонидан манфаатдор шахснинг илтимосномаси бўйича, башарти у тафтиш тартибдаги шикоят (протест) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилган ва муддат ўтказиб юборилиши сабаблари узрли деб топишган бўлса, тикланиши мумкин (ИПК 310-моддасининг бешинчи қисми).

Судларнинг эътибори қаратилсинки, агар тафтиш тартибдаги шикоят ҳал қилув қарори (ажрим, қарор) қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир йилдан кейин берилган бўлса, ИПК 310-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланган ҳолларда эса, кассация ёки тафтиш инстанцияси судлари томонидан қарор қабул қилган кундан бошлаб уч ойдан кейин берилганда муддат ўтказиб юборилган ҳисобланади.

Тафтиш тартибдаги шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома тафтиш тартибдаги шикоят (протест) билан бирга берилади. Процессуал муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома бевосита тафтиш тартибдаги шикоятда (протестда) ҳам кўрсатилиши мумкин.

ИПК 310-моддасининг бешинчи қисмида белгиланган уч ойлик муддат ўтказиб юборилган ҳолда илтимоснома берилганлиги ўтказиб юборилган тафтиш тартибдаги шикоят (протест) бериш муддатини тиклашни рад этиш учун асос бўлади. Агар тафтиш тартибдаги шикоят (протест) беришнинг муддатини тиклаш рад этилган бўлса, тафтиш тартибдаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш рад этилиши лозим (ИПК 316-моддаси биринчи қисмининг 6-банди).

Агар тафтиш тартибдаги шикоят (протест) қонунда белгиланган шикоят (протест) бериш муддати ўтганидан кейин берилган ва у тафтиш инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб иш юритишга қабул қилинган бўлса, шикоят (протест) бўйича иш юритиш ИПК 324<sup>2</sup>-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мос ҳолда тугатилади.

6.3. Назарда тутиш лозимки, процессуал ҳаракатларни амалга оширишга тўқсинлик қилган объектив ҳолатлар ўтказиб юборилган шикоят (протест) беришнинг узрли сабабларига киритилиши мумкин (масалан, ишда иштирок этувчи жисмоний шахснинг оғир касаллигида чалинганлиги, фавқулодда ҳолатлар, сув тошқинлари, эпидемиялар, пандемия, карантин, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, ammo ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида суд қарор қабул қилган шахснинг суд ҳужжатидан беҳабарлиги).

Юридик шахс вакилининг хизмат сафарига, меҳнат таътилида бўлиши, юридик хизмат ходимининг бўлмаслиги, давлат божини тўлаш учун пул маблағларининг мавжуд эмаслиги ва ҳоказолар юридик шахс томонидан шикоят бериш муддати ўтказилганлигининг узрли сабаблари сифатида кўрилиши мумкин эмас.

6.4. Тафтиш тартибдаги шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ёки тиклашни рад этиш ҳақидаги масала тафтиш тартибдаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш жараёнида ҳал қилинади.

Шикоят (протест) беришнинг муддати ўтказиб юборилганлиги муносабати билан тафтиш тартибдаги шикоятни (протестни) қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим устидан ИПКнинг 324<sup>12</sup>-моддасида назарда тутилган тафтиш тартибда шикоят (протест) берилиши мумкин.

6.5. ИПК 310-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг, Бош прокурорининг протести ушбу Кодекс 307-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидан кўрсатилган шахсларнинг мурожаати келиб тушган кундан эътиборан уч ой ичида, лекин Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан ишни тафтиш тартибда

кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда киритилиши мумкин.

7. ИПКнинг 311-моддасида тафтиш тартибдаги шикоятнинг (протестнинг) шакли ва мазмунига доир талаблар белгиланганлиги сабабли, судья ҳар бир ҳолатда тафтиш тартибдаги шикоят (протест) берган шахс томонидан қонунда кўрсатилган талабларга риоя қилинганлигини текшириши лозим.

7.1. Шунингдек, олиш керакки, қонун билан тафтиш тартибдаги шикоят (протест) ва унга илова қилинган ҳужжатлар нусхаларини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш ёки топшириш тафтиш тартибдаги шикоят (протест) берган шахс зиммасига юклатилган бўлиб, бу бюрорма хат юборилганлиги ҳақидаги қитванция, улар қабул қилинганлиги ҳақидаги тилхат ва бошқалар билан тасдиқланлиши лозим.

7.2. ИПК 311-моддасининг учинчи қисмига кўра, ишда иштирок этмаган шахснинг тафтиш тартибдаги шикоятда қонуний кучга кирган суд ҳужжати билан маъқур шахснинг қандай ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонуний манфаатлари бузилганлиги кўрсатилиши керак.

Ушбу талабга риоя қилмаслик ИПК 317-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан тафтиш тартибдаги шикоятни қайтариш учун асос бўлади.

Ишда иштирок этмаган шахснинг тафтиш тартибдаги шикоятда қонуний кучга кирган суд ҳужжати билан унинг қандай ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонуний манфаатлари бузилганлиги кўрсатилган бўлиб, ушбу шахс бундай бузилиш мавжуд деб ҳисобласа-да, ammo, аслида суд ҳужжати билан улар бузилмаган бўлса, шикоятни иш юритишга қабул қилиш ИПК 316-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан рад этилади.

Агар ушбу ҳолат шикоятни иш юритишга қабул қилингандан кейин аниқланса, ИПК 324<sup>2</sup>-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан шикоят бўйича иш юритиш тугатилади.

7.3. Шикоятни имзолошда факсимиледан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Агар шикоятни қабул қилишда судьяда шикоятни имзологан шахсда таъсис ҳужжатларига мувофиқ уни имзолош ҳуқуқи мавжудлиги борасида шубҳа тугулса, судья тафтиш тартибдаги шикоятни иш юритишга қабул қилади ва шикоят берган шахсга унинг шикоятни имзолошга ваколатини тасдиқловчи далилларни тақдим этишни таклиф қилади. Агар бундай далиллар тақдим этилмаганда тафтиш инстанцияси суди шикоятни ИПК 324<sup>2</sup>-моддасининг биринчи қисмига асосан кўрмасдан қолдиради.

7.4. ИПК 311-моддасининг мазмунига кўра, тафтиш тартибдаги шикоят (протест) битта иш доирасида қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан берилади.

Шунга кўра, агар тафтиш тартибдаги шикоят (протест) бир нечта иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан берилган бўлса, шикоят (протест) ИПК 317-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан қайтарилади.

8. Тафтиш тартибдаги шикоятни берган шахс томонидан давлат божи тўлашининг қонун билан белгиланган тартиби ва миқдорларига риоя қилинганлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда судья "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5-моддасининг 2-банди, 9-моддаси ва қайд этилган Қонунга илова "Давлат божи ставкаларининг миқдорлари"да белгиланган нормаларни инобатга олиши лозим.

Давлат божи тўлашни кечиктириш ҳақидаги илтимоснома судья томонидан тафтиш тартибдаги шикоятни қабул қилишда ҳал қилинади.

9. Тафтиш тартибдаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисидаги масала Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьяси томонидан яқка тартибда шикоят (протест) иш ҳужжатлари билан бирга судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал қилинади (ИПКнинг 314-моддаси).

Тафтиш тартибдаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилишнинг рад этиш ва қайтариш тўғрисидаги ажримда ИПК 316-моддасининг биринчи қисми ва 317-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган аниқ асослар кўрсатилиши керак.

ИПКнинг 316 ва 317-моддаларида назарда тутилмаган асослар бўйича тафтиш тартибдаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилишни

рад этиш ёки қайтаришга йўл қўйилмайди.

Прокурорнинг тафтиш тартибдаги протестига суд харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаслиги инобатга олинishi лозим.

Тафтиш тартибдаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисидаги ажрим бекор қилинган тақдирда, у судга дастлаб тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади.

10. Тушунтирилсинки, давлат органлари ва бошқа шахсларнинг тафтиш тартибдаги шикоятини иш юритишга қабул қилиш, агар иш уларнинг даъво аризаси асосида кўзга тилган бўлмаса, ИПК 316-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан рад этилиши керак, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келган низо юзасидан, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низо юзасидан қабул қилинган суд ҳужжати устидан берилган тафтиш тартибдаги шикоятни иш юритишга қабул қилиш ҳам шу асослар бўйича рад этилиши лозим.

ИПК 50-моддаси биринчи қисмининг мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ўз аъзоларининг манфаатини кўзлаб киради давво бўйича даввогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши ва мажбуриятини ўз зиммасига олиши сабабли, судларнинг эътибори Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ўзлари киритган давволар бўйича низодаги жавобгарнинг манфаатида тафтиш тартибда шикоят тақдим этиа олмаслиги қаратилиши лозим. Бунда шикоятни қабул қилиш ИПК 316-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан рад этилади.

11. Тушунтирилсинки, тафтиш тартибдаги шикоятда (протестда) уни имзологан шахснинг фамилияси кўрсатилиб, исми ёки отасининг исми кўрсатилмаганлиги шикоятни (протестни) ИПК 317-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қайтариш учун асос бўлмайди.

Тафтиш тартибдаги шикоят (протест) электрон рақамли имзо билан тасдиқланishi мумкин.

12. Тафтиш тартибдаги шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин бўлмаган суд ҳужжати устидан берилган тафтиш тартибдаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш ИПК 316-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан рад этилади.

13. Тафтиш тартибдаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги ажримда суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

Агар суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказиладиган бўлса, бу ҳақда тафтиш тартибдаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш ва суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинлаш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади ҳамда у ишда иштирок этувчи шахсларга ва видеоконференцалоқа ўтказишга қўмақлашадиган тегишли судга юборилади (ИПК 166-моддасининг иккинчи қисми).

Тафтиш тартибдаги шикоят (протестни) иш юритишга қабул қилингандан сўнғ барча суд ҳужжатлари ҳайъат томонидан қабул қилинади ёки чиқарилади.

14. Судларнинг эътибори қаратилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларидан фарқли равишда, тафтиш тартибдаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки уни қайтариш ҳақидаги масала Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси томонидан яқка тартибда шикоят судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай, тафтиш тартибдаги шикоятни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ёки тафтиш тартибдаги шикоятни иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги ма-

саласи эса шикоят Ўзбекистон Республикаси Олий судига келиб тушган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ҳал қилинади (ИПКнинг 319-моддаси).

Тафтиш тартибдаги протест иш ҳужжатлари билан келиб тушган тақдирда, протестни иш юритишга қабул қилишни рад этиш, уни қайтариш ёки иш юритишга қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси томонидан протест келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай яқка тартибда ҳал қилинади.

15. Тафтиш тартибдаги шикоятни иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки уни қайтариш учун асос бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси тафтиш тартибдаги шикоятни унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ўрганади. Зарур бўлган ҳолларда судья шикоят судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай ишни тегишли суддан талаб қилиб олади ва бу ҳақда сўровнома юборади (ИПКнинг 318 ва 319-моддалари).

Тафтиш тартибдаги шикоятни (протестни) ўрганиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси суд ҳужжатларини тафтиш тартибда текшириш учун асослар мавжуд бўлмаса, шикоятни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисида ёки ш

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

# Судлар томонидан иқтисодий ишларни тафтиш тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида

### ◀ (Бошланиши 2-бетда)

17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги ажримда ИПКнинг 321-моддасида белгиланган маълумотлар акс эттирилган бўлиши лозим.

Эътибор қаратилсинки, бундай ажрим, тафтиш тартибидаги шикоятни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказиш асосларининг асосланганлиги баънини ўз ичига олган бўлиши керак.

18. ИПК 323-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, судья ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, суд ҳужжатлари ижросини иш бўйича тафтиш инстанцияси судида иш юритиш тамомланганига қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш ёки унинг ижросини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақида судья тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда ёхуд алоҳида ажримда кўрсатади.

Агар шикоятни (протестни) кўриб чиқиш натижасида суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган бўлса, унинг ижросини тўхтатиб қўриш алоҳида процессуал ҳужжат қабул қилиниши талаб қилинмайдиган ва ёзма кўрсатма юборилиши етарли ҳисобланади.

Ёзма кўрсатманинг нуқсаси тарафлар ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросига юборилади.

Зарур ҳолларда судья (суд) ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра, ИПКнинг 93-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, тафтиш инстанцияси судида иш юритиш тамомланганига қадар ИПКнинг 94-моддасида назарда тутилган давбон таъминлаш чораларини кўришга ҳақли.

19. Шунинг назарда тутиш лозимки, қонунда тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўрмасдан қолдириш ва тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бўйича иш юритишни тугатиш учун турлича асослар назарда тутилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳам жиддий фарқ қилади.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) ИПКнинг 324-моддасида назарда тутилган асослар бўйича кўрмасдан қолдирилганда, уни кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф қилингандан сўнг шикоят (протест) янгидан берилиши мумкин. ИПК 324-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра шикоят (протест) бўйича иш юритиш тугатилганда, айни бир шахс томонидан ва айни шу асослар бўйича такроран берилган тафтиш тартибидаги шикоят (протестни) иш юритишга қабул қилиш ИПК 316-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига мос ҳолда рад этилади.

Тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўрмасдан қолдириш тўғрисида, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида суд ажрим чиқаради.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест)дан воз кечилганлиги муносабати билан шикоят (протест) бўйича иш юритиш тугатилганлиги суд ҳужжати устидан шикоят (протест) бериш ҳуқуқи мавжуд бўлган бошқа шахсларнинг тафтиш тартибида шикоят (протест) билан муножабат қилишига тўқинлик қилмайди.

Судларнинг эътибори қаратилсинки, ИПК 307-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг биринчи инстанция бўйича қабул қилинган ва апелляция ёки кассация тартибида кўрилган суд ҳужжатлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин. Шунинг учун, бундай суд ҳужжатлари устидан Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига тафтиш тартибидаги шикоят (протест) билан муножабат қилганда, шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш ИПК 316-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мос ҳолда рад этилади, агар шикоят (протест) иш юритишга қабул қилинган бўлса, шикоят (протест) бўйича иш юритиш ИПК 324-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мос ҳолда тугатилади.

20. Тафтиш инстанцияси суди томонидан иш ИПКнинг 324-моддаси

да назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Тафтиш инстанцияси судида иш юритиш жараёнида, жумладан, бошқа жавобгарни ишда иштирок этиш учун жалб қилиш (ИПКнинг 44-моддаси), ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш (ИПКнинг 45-моддаси), учинчи шахсларни ишда иштирок этишга жалб қилиш (ИПКнинг 47, 48-моддалари), давбоннинг предмети ёки асосини ўзгартириш, давво талаблари миқдорини ўзгартириш (ИПКнинг 157-моддаси), ишларни битта иш юритишга бирлаштириш (ИПКнинг 158-моддаси), талабларнинг бир қисмини алоҳида иш юритишга ажратиш (ИПКнинг 159-моддаси), қарши давво тақдим этиш (ИПКнинг 161-моддаси), шунингдек, қонунда фақат биринчи инстанция суди учун белгиланган бошқа қоидалар қўлланилмайди.

Қонунда иш юритиш тартибида кўриш вақти ва жойи ҳақида суднинг ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш мажбурияти белгиланганлиги сабабли, ушбу талабнинг асосланганлиги суд муҳокамаси кейинга қолдирилишига олиб келади. Ишни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида тафтиш тартибида кўриш бундан мустасно.

Суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган, шикоят (протест) берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг суд мажлисига келмаганлиги иш уларнинг иштирокини кўришга тўқинлик қилмайди.

21. ИПКнинг 324-моддасига мувофиқ, тафтиш тартибида шикоят берган шахс иш юритиш якуни бўйича суд ҳужжати чиқарилганига қадар шикоятдан воз кечишга, протест келтиришга ҳақли эмас.

Шикоятдан воз кечилганлиги (протест чакриб олинганлиги) муносабати билан шикоят (протест) бўйича иш юритишни тугатиш масаласи шикоятни (протестни) кўриш учун тайинланган суд мажлисида ҳал қилинади ва бунда шикоятдан воз кечган (протестни чакриб олган) шахснинг ваколати текширилиши зарур.

ИПКнинг 63-моддаси мазмунига кўра, ишда иштирок этувчи шахснинг вакили, агар ишончномада унинг бундай ҳуқуқи махсус кўрсатилмаган бўлса, тафтиш тартибидаги шикоятдан воз кечишга ҳақли эмас.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) чакриб олинганлиги муносабати билан шикоят (протест) бўйича иш юритишни тугатишга, тафтиш тартибидаги бошқа шикоят (протест) мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

22. Тафтиш инстанцияси судининг суд ҳужжатларини тўлиқ текшириш ваколатидан келиб чиқиб, ушбу инстанция суди қўшимча ва янги далилларни текширишга ҳамда янги фактларни аниқлашга ҳақли.

Биринчи инстанция судида кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар тафтиш инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилмайдиган ва бу ҳақда қарорнинг асосланганлиги қисмида кўрсатилади (ИПК 324-моддасининг иккинчи қисми).

Бунда, янги талаблар деганда, давво предмети бўлмаган, жавобгарга ёки бошқа ишда иштирок этувчи шахсларга ёхуд ишда иштирок этмаган шахсларга нисбатан қаратилган талаб тушунилади.

23. Қонунга кўра, иш тафтиш тартибида кўриш чоғида қуйи инстанция судлари томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлиги ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлиги иш материаллари бўйича текширилиши лозим.

Моддий ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш деганда, қуйи инстанция судлари томонидан қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонунчилик ҳужжатини қўлламаслик ёхуд қўлланилиши лозим бўлмаган қонун ёки бошқа қонунчилик ҳужжати нотўғри талқин қилинганлиги тушунилади керак.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши, агар бу ишнинг нотўғри ҳал этилишига олиб келган бўлса, шунингдек, ИПК 302-моддаси бешинчи қисмининг 3 ва 6-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда суд ҳужжатларини бекор қилиш учун асос бўлади.

Суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, қарори ёки ажрими фақат юзаси асослар бўйичагина бекор қилиниши мумкин эмас. Бунда, юзаси асослар деганда процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги ҳолат-

лари тушунилади. ИПКнинг 279 ва 302-моддаларида суд ҳужжатини бекор қилиш асослари бундан мустасно.

Шунинг назарда тутиш лозимки, агар қонун ҳуқуқий муносабатлар вужудга келган пайтда амалда бўлган қонунчилик ҳужжати қўлланилишига йўл қўйса, қуйи инстанцияси судлари томонидан ўз кучини йўқотган қонунчилик ҳужжати қўлланилганлиги суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлмайди.

24. Тафтиш инстанцияси суди томонидан иш юритишни тўхтатиб туриш ИПКнинг 9-бобида назарда тутилган асослар ва тартибда амалга оширилади.

ИПК 101-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида белгиланган нормани қўллашда шунинг назарда тутиш керакки, агар кўрсатилган ҳолатлар иш юритишга тўқинлик қилмас, тафтиш тартибида иш юритишни тўхтатиб туриш мумкин эмас.

Иш юритиш тикланганлиги тўғрисида тафтиш инстанцияси суди ажрим чиқаради ҳамда иш юритиш вақти ва жойи тўғрисида ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилади.

25. Тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) мазмунан кўриш натижалари бўйича тафтиш инстанцияси суди қарор қабул қилади.

Тафтиш инстанцияси суди қарори суд мажлиси тугаши биланоқ дарҳол қабул қилинади. Айрим ҳолларда асосланган қарорни тайёрлаш беш кунгача бўлган мuddатга кечиктирилиши мумкин, бироқ унинг қарор қисми суд томонидан тафтиш тартибидаги шикоят (протест) муҳокамаси тамомланган мажлисининг ўзида эълон қилиниши керак.

Тафтиш инстанцияси суди қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга қиради.

26. Тафтиш инстанцияси суди ўзининг қарорида тафтиш тартибидаги шикоятда (протестда) билдирилган ҳар бир вақти кўрсатиши, унинг асосли ёхуд асосизлиги ҳақидаги ҳулосани баён этган ҳолда муҳокама қилиши шарт.

Тафтиш инстанцияси суди қарорининг ҳулоса қисмида иш шикоят (протест) бўйича кўриш натижалари тўғрисидаги ҳулосалар, шунингдек, суд ҳаражатларининг тақсимланиши кўрсатилиши керак.

Раислик қилувчи қарорнинг ҳулоса қисми эълон қилингандан кейин ишда иштирок этувчи шахсларга қабул қилинган қарорнинг мазмун-моҳияти, қарорнинг тўлиқ ҳақида тузиш ва уни уларга юбориш мuddатини тушунтиради.

27. Тафтиш инстанцияси суди ИПКнинг 190 ва 191-моддаларида назарда тутилган ҳолларда:

қарорни тушунтиришга; қарор матнида йўл қўйилган ёзувдаги хатоларни, арифметик (ҳарфий) хатоларни ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни ёзувнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда, ишда иштирок этувчи шахснинг, давлат ижросининг, суднинг ҳал қилув қарорининг ижроси зиммасига юклатилган бошқа органларнинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси бўйича тузатишга ҳақли.

Ушбу масалалар суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлиси ўтказилиши вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Бироқ, мазкур шахсларнинг келмаслиги бу масалаларни ҳал этиш учун тўқинлик қилмайди.

Йўл қўйилган ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш суднинг ташаббуси билан амалга оширилганда суд мажлисини ўтказиш талаб этилмайди.

28. ИПКнинг 199 ва 324<sup>11</sup>-моддаларига мувофиқ, апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўрилган иш бўйича биринчи инстанция судининг ажрими устидан, агар бу қонунда назарда тутилган ёки ишнинг келувчидаги ҳаракатланишига тўқинлик қилмаган бўлса, тафтиш тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўрилган иш бўйича биринчи инстанция судининг ажрими устидан тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш ва уни кўриш, суднинг ҳал қилув қарори устидан тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бериш ва кўриш учун назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

Суднинг ажрими устидан берилган

шикоят (протест) тафтиш тартибида кўриб чиқилаётган вақтда, агар мазкур иш мазмунан кўриб чиқилаётган бўлса ва шикоят қилинган ажрим ишнинг мазмунига таъсир қилса, иш мазмунан кўриш ИПК 101-моддасининг 1-бандига мувофиқ тўхтатиб турилиши лозим.

29. ИПК 320-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, тафтиш тартибидаги шикоятни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажримни бекор қилиш тўғрисидаги ариза тафтиш тартибидаги шикоятни бериш мuddати ичидан берилиши мумкин.

Инобатга олиш лозимки, тафтиш тартибидаги шикоят билан муножабат қилиш учун ИПК 310-моддасининг биринчи-учинчи қисмларида белгиланган мuddатлардан келиб чиқиб, тафтиш тартибидаги шикоятни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажрим чиқарилгунга қадар тафтиш тартибидаги шикоят беришнинг мuddати ўтиб кетган бўлса, ажримни бекор қилиш тўғрисидаги ариза ажрим чиқарилган кундан эътиборан уч ой ичидан берилиши мумкин.

ИПКнинг 324<sup>12</sup>-моддасида белгиланган мuddат:

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиниши рад этиш ва қайтариш, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бўйича иш юритишни тугатиш, тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан берилган тафтиш тартибида шикоят бериш (протест келтириш);

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьясининг тафтиш тартибидаги шикоятни қабул қилиниши рад этиш ва қайтариш тўғрисидаги ажримни бекор қилиш ҳақидаги ариза бериш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьясининг тафтиш тартибидаги шикоятни қабул қилиниши рад этиш ва қайтариш тўғрисидаги ажримни бекор қилиш ҳақидаги ариза бериш; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьясининг тафтиш тартибидаги шикоятни қабул қилиниши рад этиш ва қайтариш тўғрисидаги ажримни бекор қилиш ҳақидаги ариза бериш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш тартибидаги шикоятни (протест) бўйича иш юритишни тугатиш, тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрими, шунингдек ушбу Кодексда устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) назарда тутилган бошқа ажримлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатига протест келтириши учун ҳам шу тартибда татбиқ этилади.

Тафтиш инстанцияси судининг ажримлари чиқарилгунга қадар тафтиш тартибидаги шикоят бериш мuddати ўтиб кетган бўлса, ажримни бекор қилиш тўғрисидаги шикоят (протест) ажрим чиқарилган кундан эътиборан уч ой ичидан берилиши мумкин.

30. Тафтиш инстанцияси суди давлат органи ёки бошқа орган, ташкилот, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилиши факти аниқланганда, уларнинг суд процессида иштирокидан қатъий назар, хусусий ажрим чиқаришга ҳақли. Агар суд уларнинг ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, бу ҳақда жиноят иши кўзгатиш масаласини ҳал қилиш учун суд тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар беради.

Хусусий ажрим чиқарилганлиги ва прокурорга хабарнома юборилганлиги ҳақида суд мажлисида эълон қилинади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

31. Иқтисодий ишларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этилишини таъминлаш мақсадида вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ишларни тафтиш тартибида кўриш бўйича суд амалиётини умумлаштириб бориш тавсия этилсин.

### Янги китоб

# «ҲОЗИРГИ ЗАМОН ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН»

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Айниқса, солиқ, банк-молия тизимидаги янгиланишлар, жумладан, валюта бозорининг эркинлаштирилгани, нақд пул билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилгани, халқаро молия операцияларининг жаҳон андозлари асосида амалга оширилаётгани, янги-янги инновация, юқори технология корхоналар барпо этилаётгани, замонавий коммуникация тизимлари, рақамли технологиялар ҳаётимизга жадал кириб келаётгани, тадбиркорлик учун кенг йўл очилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Асарнинг **“Янги Ўзбекистон: барқарор иқтисодий тараққиёт”** номли учинчи бобида айнан шу йўналишдаги ислохотларга алоҳида урғу берилиб, бу борада эришилган натижалар сарҳисоб қилинади, яқин истиқболда қандай иқтисодий режа ва стратегик мақсадлар олдимизда тургани, уларни амалга ошириш учун нималар қилиш зарурлигига эътибор қаратилади. Бу масалалар **“Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш”**, **“Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш”**, **“Санатни жадал ривожлантириш истиқболлари”**, **“Янги Ўзбекистон – рақамли иқтисодиёт сари”**, **“Аграр соҳани ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш”**, **“Янги Ўзбекистон: барқарор ва яшовчан туризм”**, **“Яшил энергетика” – барқарор тараққиёт гарови”**, **“Кучли ҳудудлар – кучли Ўзбекистон демакдир”** каби мавзулар орқали атрофчилик очиб берилади.

Халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида Янги Ўзбекистон меъмори сифатида эътироф этилаётган Президентимизнинг ушбу китобидаги **“Сайёрамиз ва Янги Ўзбекистон экологик таҳдидлар қаршида”** деб номланган тўртинчи боб ҳам диққатга сазовордир. Муаллиф унда **“ҳозирги даврда жаҳон миқёсида учта инқироз, яъни, иқлим ўзгариши, биохилма-хилликнинг қисқариши ва атроф-муҳит ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиши шиддат билан давом этаётгани”** ҳақида жиддий ташвиш ва ҳаяжон билан фикр юритади, жаҳон ҳамжамиятини ушбу таҳдидларга қарши биргаликда курашишга даъват этади.

Масалан, сув муаммоси Ўзбекистон олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Шавкат Мирзиёев бу борада мавжуд вазиятни тубдан ислоҳ қилиш, Яратганини бебахо незъмга бўлган сув ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган, тизимли чора-тадбирларни шу соҳани яқиндан биладиган етук мутахассис сифатида бирма-бир қайд этиб, трансгеаратив дарёлар сувида халқаро қонунчилик асосида фойдаланиш, бу борада қўшни давлатлар билан ҳамкорлик масаласига алоҳида тўхталиб ўтади.

Мазкур бобдан ўрин олган **“Орол фожиаси – умумбашарий фожа”**, **“Мақсадимиз – аҳолининг қулай экологик муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш”**, **“Яшил макон” умуммиллий байохисаси – экологик вазиятни барқарорлаштириш гарови”**, **“Иқлим муаммолари – барқарор ривожланиш йўлидаги энг катта таҳдид”** сингари мавзулар таҳлил ва прокурорга хабарнома юборилганлиги ҳақида суд мажлисида эълон қилинади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

31. Иқтисодий ишларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этилишини таъминлаш мақсадида вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ишларни тафтиш тартибида кўриш бўйича суд амалиётини умумлаштириб бориш тавсия этилсин.

31. Иқтисодий ишларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этилишини таъминлаш мақсадида вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ишларни тафтиш тартибида кўриш бўйича суд амалиётини умумлаштириб бориш тавсия этилсин.

юртдошларимиз ҳаётидаги ижобий натижалар ана шундай халқпарвар сиёсат самарасидир.

Асарнинг **“Халқ хизматидаги давлат – эл-юрт учун улуғ саодат”** деб номланган яна бир муҳим бобида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, давлат идоралари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, коррупцияга қарши курашиш масалалари ҳақида атрофчилик сўз юритилади.

Барчамизга аёнки, Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституциясида мамлакатимизнинг тинчликсеварлик ва тараққийпарварликка асосланган ташқи сиёсати куйидаги энг муҳим тамойиллар билан мустаҳкамлаб қўйилган:

**“Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа принципларига асосланади”**.

Ушбу конституциявий норма Янги Ўзбекистон сиёсатида ўзининг тўлиқ амалий ифодасини топмоқда. Бугунги кунда республикаимиз дунёга кенг очилиб, жаҳондаги барча тинчликсевар давлатлар билан тенг ҳуқуқчилик ва ўзаро манфаат асосида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини фаол олиб бораётган мамлакатга айланди.

Яқинда юртимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош котиби жаноб Антониу Гутерриш ҳақи равишда эътироф этганидек, минтақамизда интеграция жараёнларини кучайтириш, “Марказий Осиё руҳи”ни шакллантиришда Янги Ўзбекистоннинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Бугун бу ҳақиқатни дунё ҳамжамияти тан олмоқда.

Китобнинг **“Янги Ўзбекистон – хавфсиз ва тинчликсевар давлат”** деб номланган сўнгги бобида **“Янги Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсати”** ва умуман, бугунги сиёсий ва ижтимоий қиёфаси қандай бўлиши кераклиги **“Янги Ўзбекистоннинг ўзаро ишонч ва ҳамкорликка асосланган иқтисодий дипломатияси”**, **“Ўзбекистоннинг янги сиёсати векторлари: ватандошлар билан ҳамкорлик ва мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”**, **“Ҳарбий-янговар қудрат ва**



Қонун ижодкорлиги



# Аҳоли бандлигини рағбатлантириш ва тадбиркорликни кенгайтириш

## Бу борадаги қонунчилик янада такомиллаштирилмоқда

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қонунда ижро этувчи ҳокимият органлари, хусусан, вазирлик ва идоралар номлини маъмурий ислохотлар доирасида ўзгартirilгани инobatга олинган. Шу боис Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ушбу соҳада ваколатли давлат орган сифатида белгиланмоқда.

Шунингдек, соҳада очиқлик ва шаффоқликни таъминлаш мақсадида бўш, яъни вақант иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни иш берувчи томонидан электрон тарзда юбориш шартлари ва ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш мезонлари, меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча кафолатлар бериш шартлари кўзда тутилган.

Қонунда ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш мезонлари аниқ белгилаб берилган бўлиб, ушбу норма янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси билан мувофиқлаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, келгусида ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Аҳоли бандлигини рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш

мақсадида янги қонунда тақдим этиладиган субсидияларнинг молиявий манбалари ҳам аниқ белгиланган. Бунда, жумладан, ссуда ажратилишини рад этиш асослари киритилганлиги қайд этиш ўринлидир.

Шунингдек, янги қонунда иш қидираётган шахсларни рўйхатга олиш тартиби соддалаштирилмоқда.

Унга кўра, иш қидираётган шахсларнинг иш стажы, маълумоти (мавжуд бўлган тақдирда), иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа маълумотлар маҳаллий давлат органи томонидан масъул давлат органлари ва ташкилотлардан мустақил равишда, шу жумладан, «Рақамли ҳукумат» тизими идораларо интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинади.

Бундан ташқари маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асли ёки унинг

кўчирма нусхаси, иш жойидан охириги ўн икки ой учун иш ҳақи ё меҳнат даромади ва пул таъминоти тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш талаби бекор қилинмоқда. Бу орқали аҳолининг ортиқча овозгарчилиги

га чек қўйилмоқда. Янги қонунда ишга жойлаштиришга доир йўлланмалар ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш юзасидан мурожаатномалар асосида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш тартиби «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун талабларига мувофиқлаштирилмоқда.

Бундан ташқари ушбу янги қонун асосида меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра, бекор қилинганда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча кафолатлар белгиланмоқда.

Янги қонунда ишдан ва иш ҳақи ё

меҳнат даромадидан маҳрум бўлган шахсларга ишсизлик нафақаси миқдорини белгилаш шартларига аниқлик киритилиб, ишсизлик нафақасини тўлашни тугатиш ва тўхтатиб туриш тартиблари такомиллаштирилмоқда.

Шу билан бирга, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар билан бундай ишларда иштирок этиш учун меҳнат шартномаси муддатини ўн бир ойгача бўлган муддатга тузиш асослари, ишсиз шахсларга нафақа тўлаш шартлари белгиланмоқда. Бунда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблагларидан фойдаланиш йўналишлари такомиллаштирилмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонун ишга жойлаштириш бўйича аҳолига кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлади. Шунингдек, ишга жойлаштириш бўйича мурожаат қилаётган фуқароларнинг ортиқча овозгарчилиги барҳам беради ҳамда аҳолининг давлат органларига нисбатан ишончини мустаҳкамлайди.

**Қобил ТУРСУНОВ,**  
Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Меҳнат кодексига кўра, иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу кодексда кўрсатилган муддатларда тўлаши шартлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланиши ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

## Фуқароларнинг 79,5 миллион сўм иш ҳақлари ундириб берилди

Бироқ айрим иш берувчилар ишчи-ходимларнинг иш ҳақларини ўз вақтида бермаслиги оқибатида ишчи-ходимларнинг ҳуқуқлари бузилади.

Бундай ҳолларда судлар томонидан ишчи-ходимларнинг иш ҳақларини ундириш тўғрисида қонуний қарорлар қабул қилиниб, ижросини

таъминлаш Мажбурий бюро органлари зиммасига юклатилади.

Бюро органлари иш юритувидаги иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги суд қарорлари ижросини таъминлаш доимий назорат олинган.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона ту-

манлараро судининг 2024 йил 22 январдаги қарорига асосан қарздор "R.N." унитар корхонасидан даъвогарлар Ш.И., О.Н. ва М.Д.лар фойдасига жами 79.495.111 сўм иш ҳақи ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати Бюронинг Фарғона шахар бўлими томонидан ижрога қаратилиб, қарздорга ихтиёрлиқ муддат берилган.

Қарздор суд қарори ижросини таъминлаш чорасини кўрмагач, Бюро томонидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида 2024 йилнинг 24 июль куни қарздордан 79.495.111 сўм ишчиларнинг ойлик иш ҳақлари ундирилиб, банк пластик карталарига ўтказиб берилиши таъминланди. Шундай қилиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди ва ижро иши амалда тамомланди.

ЎЗА

Янгилик

## Маъмурий судларга мурожаат қилишда фуқаролар учун яратилган шароитлар

сифатида маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини кенгайтириш назарда тутилган.

Ўз навбатида, Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида 5 та устувор йўналиш ва 100 та мақсад белгиланган бўлиб, 4-устувор йўналиш «Қонун устуворлигини таъминлаш, ҳалқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш» деб номланди.

Мухими, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясидаги мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсадларидан бири давлат

тизимини янада ривожлантиришдир. Бунда маъмурий судларга бевосита мурожаат қилишга тўқинлик қилаётган омилларни 2030 йилгача тўлиқ бартараф этиш ушбу мақсадга эришишнинг самарадорлик кўрсаткичи сифатида белгиланди.

Шу асосда 2024 йил 16 январдаги қонунга мувофиқ «Давлат божни тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси биринчи қисми 11-банд билан тўлдирилди. Унга кўра, жисмоний шахслар:

- ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузаётган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг;
- республика ижро этувчи ҳокимияти органларининг;
- маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг;
- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари ё ҳаракатсизлиги устидан маъмурий судга мурожаат қилганда, давлат божини тўлашдан озод қилинди.

Шундай қилиб, фуқароларнинг маъмурий судларга мурожаат қилиши учун яна бир қулайлик яратилди. Яъни уларнинг судга мурожаат қилишига тўқинлик қилаётган омил бартараф этилди.

**Акмал МУРОДОВ,**  
Навоий вилояти маъмурий суди раиси



Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 55-моддасида ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотлар, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Маъмурий судларнинг вазифаси маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини таъминлаш билан бирга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Бу ҳақда сўз борганда, «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Чунки ушбу Тараққиёт стратегиясида мамлакатимизда адолат ва қонун усту-

“Тараққиёт стратегиясида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришнинг асосий мақсадларидан бири сифатида маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини кенгайтириш назарда тутилган.”

ворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришнинг асосий мақсадларидан бири

органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда маъмурий адлия

Моҳият

## Аралаш сайлов тизими:

### хорижий тажриба ва миллий ёндашув

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу эса, тузилажак парламент кўпчилиги ва ҳукуматнинг барқарор фаолият юритишига маълум даражада тўқинлик қилиши мумкин.

Аралаш сайлов тизими мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларидаги ушбу камчиликларни бартараф этиш билан бирга уларнинг афзал жиҳатларини ўзида намойён этади. Бунда парламент депутатларининг бир қисми партияларнинг номзодлар рўйхатига овоз бериш орқали сайланса, қолган қисми мажоритар тартибда алоҳида номзодларга овоз бериш орқали сайланади.

Аралаш тизим сайловчиларнинг овозларини тўлиқроқ ҳисобга олиши билан аҳамиятлидир. Мухими, мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг ҳақиқий манзарасини аниқ акс эттиради.

Шу боис бугунги кунда аралаш сайлов тизими дунё мамлакатларида тобора оммавийлашиб бораётганини кузатиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, кейинги йилларда мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг энг яхши жиҳатларини ўзаро уйғунлаштириш мақсадида Марказий ва Шарқий Европадаги бир қатор давлатларда аралаш сайлов тизимини жорий қилиш анъанаси кучаймоқда.

Ҳозирда аралаш сайлов тизими Германия, Испания, Япония, Венгрия, Австралия, Янги Зеландия, Гвинея, Албания, Жанубий Корея, Литва, Мексика каби мамлакатларда, МДҲ доирасида эса Россия, Арманистон, Қозғоғистон, Озарбайжон, Грузия – жами 40 га яқин давлатда жорий этилган.

Масалан, Австралияда парламентнинг бир палатаси мажоритар тизим, иккинчиси эса, пропорционал тизим асосида сайланади. Мисрда аралаш тизим партиявий рўйхат бўйича овоз бериш ва яқка тартибдаги сайловларнинг комбинациясидан иборат: ҳар бир сайлов округида бир нафардан индивидуал номзод сайланади, қолган ўринлар эса, партия рўйхатидагилар ўртасида тақсимланади. Мексика Қўшма Штатларида Федерал Конгресснинг Депутатлар палатаси мажоритар тизим асосида сайланадиган 300 нафар депутат ва пропорционал вакиллик тизими асосида сайланадиган 100 нафар депутатдан иборат.

Парламент мандатларининг шаклланишидаги ўзаро тақсмоти ҳам хорижий давлатларда турлича кўринишга эга. Мисол учун Қозғоғистонда парламент қуйи палатаси депутатларининг 70 фоизи пропорционал тартибда, қолган 30 фоизи мажоритар тизим асосида сайланади. Германияда бу кўрсаткич мос равишда 81 ва 19 фоизга тенг.

Аралаш сайлов тизимида сайловдан олдин ҳар бир партия ўз потенциал номзодлари рўйхатини шакллантиради. Бу рўйхатга кирган номзод бир мандатли сайлов округида ўтказиладиган сайловда ҳам қатнашиши мумкин. Бунинг учун номзоднинг кўп мандатли сайлов округига ҳам, бир мандатли сайлов округига ҳам айнан бир сайлов бирлашмаси ёки сайлов блокидан кўрсатилиши шарт қилиб қўйилади.

Аралаш сайлов тизимида, аввало, сайловчилар овозларини максимал инobatга олиш таъминланади. Мажоритар сайлов тизими эса, муваффақият қозона олган партияларга ўзлари олган овозларга мутаносиб равишда депутатлик ўринларини олишга имконият яратади ҳамда жамиятда ҳақиқий кўппартиявийлик тизимини ривожланти-

ришга хизмат қилади.

Аралаш сайлов тизимида бўшаб қолган депутатлик ўринлари сайловларда тақдир қилинган сиёсий партияларнинг рўйхатидаги номзодлар ҳисобидан тўлдирилади. Бу эса сайловларни ўтказиш билан боғлиқ давлат бюджети харажатларини қисқартиради.

Мамлакатимизда ҳам аралаш сайлов тизимига ўтишни ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, 2023 йилда қабул қилинган янги қонунга мувофиқ Сайлов кодекси ва амалдаги қонунларига аралаш сайлов тизимига ўтишни кўзда тутувчи муҳим ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Жорий йилнинг октябрь ойда бўлиб ўтадиган парламент сайлови илк марта аралаш сайлов тизими асосида ташкил қилинади. Бунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг 50 фоизи мажоритар тизим асосида, қолган 50 фоизи пропорционал, яъни партияга овоз бериш орқали сайланиши назарда тутилмоқда.

Демак, бўлажак сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати сайлаш учун мамлакатимиз ҳудудида етмиш бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округлари, партия рўйхати асосида бошқа 75 нафар депутатни сайлаш учун эса Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида ягона сайлов округи ташкил қилинади.

Маълумки, партия рўйхати асосида сайланган депутатлар муайян сайлов округига эга бўлмайди. Бунда депутатлар ва сайловчилар ўртасидаги муносабатларни шакллантириш учун асосий масъулият сиёсий партиялар фракциялари зиммасида бўлади.

Шунга мувофиқ, амалдаги қонунларга тегишли қўшимчалар киритилди. Эндилқда партия рўйхати асосида сайланадиган депутатларнинг сайловчилар билан алоқаси сиёсий партия фракцияси томонидан белгиланади.

Шундай қилиб, аралаш сайлов тизими жамиятдаги мавжуд барча сиёсий кучлар иштироки ва мувозанатини акс эттирувчи профессионал парламентни шакллантириш имконини беради. Бунда қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифати ва самарадорлиги ҳам ошади. Чунки аралаш тизим асосида сайланган депутатлар корпуси амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга анча фаол тайёргарлик кўргани боис, уларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни амалга ошириш бўйича талаблари ҳам шунчалик юқори бўлади.

Аралаш сайловларда депутатларнинг бир қисми пропорционал асосда сайлангани сабабли, уларнинг сиёсий партиялар билан алоқалари анча мустаҳкамланади. Ўз навбатида, сиёсий партияларнинг роли ва нуфузи ҳам ошади, уларнинг сайловолди дастурлари ва сиёсий фаолиятда аҳолининг турли гуруҳ ҳамда қатламлари манфаатлари ҳамда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш тенденцияси кучаяди.

Энг муҳими, аралаш сайлов тизими сиёсий жараёнлар узвийлигини ва сиёсий анъаналар бардавомлигини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, сиёсий институтларнинг бир маромада, барқарор фаолият юритишига, сиёсий тизимда демократик тамойиллар ва қадриятлар устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Қодир ЖўРАЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари

## Тарих тилсимлари

## ФАЛАК ТОҚИГА ҚЎЙИЛГАН НАРВОН

## ЁХУД МИРЗО УЛУҒБЕК РАСАДХОНАСИ ҚАНДАЙ КЎРИНИШГА ЭГА БЎЛГАН?

Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек буюқ давлат арбоби ва қомусий олим сифатида тарихда ўзгача из қолдирган. Болалигиданоқ аниқ фанларга қизиқиши баланд бўлган шахзода 1409-йилда Самарқанд ҳукмдорлигини қўлга киритгач, илм-фанни жадал ривожлантиради. У 1420-йилда устози Қозизода Румий, машҳур астроном ва математик олим Жамшид ал-Коший (1373-1430) ёрдамида астрономик кузатув муассасаси бўлган расадхона қурилишини бошлайди. Ўзига хос шаклга эга бўлган ушбу расадхонага мураккаб астрономик асбоблар ўрнатилди.

Расадхонанинг илмий дастури камида 30 йилга мўлжалланган бўлса-да, давлат ишлари тўғрисида Мирзо Улуғбек расадхонада узоқ вақт фаолият юритолмаган. Расадхонага 60 нафардан ортик математик ва астроном олимлар таклиф этилган. Расадхона ташкил этилгандан сўнг унга ўн йил давомида Жамшид ал-Коший раҳбарлик қилган. Унинг вафотидан сўнг бу лавозимни етмиш ёшли Қозизода Румий эгаллайди. Аммо орадан олти йил ўтиб, Қозизода Румий ҳам вафот этади. Шундан сўнг расадхона бошқаруви Али Қўшчи қўлига ўтади. Расадхона узоқ йиллар мобайнида

олимлар учун ўқув-тажриба ва илмий марказ вазифасини ўтаган.

Расадхона биноси Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг ҳам фаолият юритган. Бу ерда астрономик тадқиқотлар ўтказилган. Афсуски, кейинчалик расадхона бузиб ташланган. Қолаверса, расадхонанинг ички ва ташқи кўриниши хусусида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган. Шулардан бири ўша даврда яшagan тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг хотираларидир. Тарихчи расадхонани ўз кўзи билан кўрган бўлиб, уни қуйидагича тасвирлаган: «Бино деворлари ўзгармас юлдузлар,



1/60 сонияли, сониялар, дақиқалар ва осмон гумбази даражалари билан безатилган. Яна денгизлар, саҳролар, тоғлар, Ер иқлими минтакалари ифодаланган дунё жуғрофий хариталари ҳам бор эди. Буларнинг ҳаммаси номунасоиб геометрик шакллар ва ажойиб суратлар билан ифодаланган». Бундан ташқари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида ҳам расадхона ҳақида қисқа маълумот бериб ўтилган.

1908 йили рус археологи В.Вяткин Самарқанд шаҳри ёнидаги Кўҳак тепалигида расадхона қурилган жойни аниқлайди. Тадқиқотлар давомида деворларнинг асоси, диаметри 46-50 метрли доира шаклидаги иморатга тааллуқли безаклар, гиштлар, шимол-жануб, шунингдек, тошмол-жануб меридиани бўйлаб йўналтирилган чуқурлиги 11 метр бўлган ерости қисмига олиб кириш жойи топилади.

Олимлар тарихий манбалардаги маълумотлар ва хароба қолдиқларига асосланган ҳолда Мирзо Улуғбек расадхонаси лойиҳасини тиклашга муваффақ бўлишган. Унга кўра, бино доира шаклида бўлиб, баландлиги 30,42 метрни ташкил этган. Бунга 15 метрли тепалик ҳам қўшиб ҳисобланса, расадхона ер сатҳидан қарийб 45 метр баландликда бўлганини тахмин қилиш мумкин. Бундан ташқари ясси мармарли асосга қурилган уч қаватли бионинг ҳар бир қавати ташқарига қараган 32 та арқдан ташкил топган. Деворларнинг ташқи томони сирли қошқинли ранглар, араб ҳарфлари ва гул шакллари билан безатилган. Бино тўғри меридиан бўйлаб жойлаштирилган 21,6 метр радиусли секстант арки билан тенг икки қисмга ажратилган.

Топилган девор қолдиқлари бионинг пастки қисмида расадхонанинг турли хизматлари учун мўлжалланган хоналар жойлашганини


тасдиқлайди. У ерда турли жиҳозлар ва асбоб-ускуналар сақланадиган хоналар ва кутубхона мавжуд бўлган.

Мирзо Улуғбек расадхонасида тунги осмонни ўрғаниш мақсадида кузатувчилар учун мўлжалланган бир нечта майдонча, шунингдек, катта кўёш соати ҳам мавжуд бўлган. Секстантнинг тепа қисми кўёш меридиан билан кесишадиган пайтда нур ўтказувчи ойнали том билан ёпилган. Ушбу улкан асбоб орқали Мирзо Улуғбек бир йилнинг 365 кун, 6 соат, 10 дақиқа, 8 сонияга тенглигини аниқлаган. Бу ҳозирги замонавий кўрсаткич — 365 кун, 6 соат, 9 дақиқа, 9,6 сониядан бор-йўғи 0,32 даража фарқ қилади, холос. Расадхонада секстантдан ташқари устуруб, армиллар шари, баллистис, трисветр, шанил каби астрономик асбоблардан ҳам фойдаланилган.

Ушбу маълумотлар расадхонанинг ноёб шаклида барпо этилгани ва унга ўз даврининг энг илғор асбоблари ўрнатилганидан далолатдир. Ўтмишда «Зижи Кўрагоний» деб ном қозонган юлдузлар жадвалининг айнан шу расадхонада тузилгани ва унинг бугунги кунда юксак илмий аҳамиятга эга экани буюқ ажодларимизнинг ақл-заковати нечоғлик юксак бўлганига яна бир далил ҳисобланади. Зеро, шоирона ташбеҳ билан айтганда, берпоён фалакка илк бор Мирзо Улуғбек расадхонасида нарвон қўйилган.

**Рустам ЖАББОРОВ,**  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори

Ҳаётда фидойилик, эзгулик йўлида жасорат ва шижоат кўрсатиш, ҳатто бу борада умрини бағишлаш ҳеч қачон изсиз кетмайди, аксинча, ибрат намунаси сифатида асрлар оша яшайверади.



Машҳур немис расоми Альбрехт Дюрернинг Венадаги Альбертина галереясида сақланган «Дуога очилган қўллар» суратини санъат ихлосмандлари ҳамisha ҳайрат билан томоша қилишади. Аммо бу суратнинг яратилиш тарихи кўпчилик учун номаълум. Ҳолбуки, унинг ўзига хос ғаройиб тарихи бор. Бошқача айтганда, бу сурат мусаввирининг бой дунёқарши, чексиз тасавури маҳсули эмас, балки ҳаётий ҳақиқатнинг тасвирий санъатга муҳрланган кўринишидир. Қуйида шу ҳақида хикоя қиламиз.

XV-асрда Нюрнберг шаҳри яқинидаги кичик бир қишлоқда ўн саккиз нафар болали бир оила яшаган. Бундай катта оила эҳтиёжини таъминлаш учун зарур ота тиним билмаган, ҳар кун тер тўкиб, ўн саккиз соатлаб ишлаган.

Оиланинг икки фарзанди — Альберт ва Альбрехт расм чизишга жуда қизиқар, тасвирий санъат борасидаги истеъдодларини юзага чиқариш учун Нюрнбергдаги академияда ўқишни орзу қилишарди. Бироқ оиланинг қўли калталиги бунга имкон бермасди.

Нихоят, узоқ маслаҳатлашув, баҳс-мунозаралардан сўнг ака-ука қатъий қарорга келади. Улар қуръа ташлаш орқали ўз омадларини синаб кўришади. Шартга кўра, ютқазган шахтада ишлайди ва толган даромади билан оғасининг ўқиши учун пул тўлайди. Кейин ўқишни тугатган ғолиб қонда ишлаган инисининг ўқиш харажатларини тўлиқ ўз зиммасига олади.

Бу ўша пайтда орзуманд ака-ука учун энг оқил ва маъқул йўл бўлиб кўринадди. Ака-ука қуръа ташлашади ва омад ака бўлиб Альбрехтга қўлиб боқади, у шартга мувофиқ Нюрнберг академиясига йўл олади. Альберт эса хавфли қонларга қора ишичи бўлиб ёлланади. У тўрт йил давомида Альбрехтнинг академияда ўқиши учун барча харажатларни қоплаш мақсадида қийинчилик ва машаққатларга чидаб, меҳнат қилади. Альбрехт ҳам укаси машаққат билан ишлаб топаётган маълумнинг ҳар бир қақасини қадрлайди, тиришқоқлик билан ўқиб, ўз истеъдодини юзага чиқаришга интилади. Ҳадемай унинг ноёб истеъдоди ялт этиб кўзга ташлана бошлайди. Турли ғаройиб гравюралар, ёғоч нақшлар яратди. Ранг-баранг санъат асарлари эса ҳеч қимми бефарқ қолдирмасди, санъат аҳли янги истеъдод пайдо бўлганини эътироф этарди. Албатта, Альбрехт ўқишни тугатганда ўз асарлари учун мўмай даромад оладиган мусаввирга айланган эди. Қисқаси, у ўз қишлоғига келажаги порлок расом сифатида қайтади.

Бу қашшоқ кун кечирадиган Дюрерлар оиласи учун ҳақиқий байрамга айланади. Оила аъзолари Альбрехтнинг ютуқларини нишонлаш учун тантана уюштиришади.

Альбрехт оқибатли инсон эди, у укасининг яхшилигини унутмайди. Бир кун кечки

овқатдан сўнг ўзининг орзусини рўёбга чиқариш йўлида фидойилик кўрсатган укасига миннатдорчилик билдиради: «Укажон, мен сендан чексиз миннатдорчи ҳамisha ҳайрат билан томоша қилишади. Аммо бу суратнинг яратилиш тарихи кўпчилик учун номаълум. Ҳолбуки, унинг ўзига хос ғаройиб тарихи бор. Бошқача айтганда, бу сурат мусаввирининг бой дунёқарши, чексиз тасавури маҳсули эмас, балки ҳаётий ҳақиқатнинг тасвирий санъатга муҳрланган кўринишидир. Қуйида шу ҳақида хикоя қиламиз.

Нихоят, Альбрехт охира ўрнидан туриб, кўз ёшларини артади. Сўнгра қўлларини юқорига кўтариб, кафтларини кен очган кўйи ғамгин овозда шундай дейди: «Йўқ, ака, мен Нюрнбергга ўқишга бора олмайман, бунинг энди имкони йўқ. Қара, қонда ишлаган тўрт йил мобайнида нозик қўлларим буткул яроқсиз аҳволга келди. Ҳар бир бармоғимнинг суякларини камида бир неча марта синиб, қийишқ битиб қолган. Ўнг қўлим эса, буткул майиб бўлганидан ҳатто қошиқни ҳам эплаб ушлолмайман. Энди бу мажруҳ қўлларим билан чиройли суратлар чизолмайман...»

Альбрехтнинг сўзларидан оила аъзолари қарахт аҳволга тушиб қолишади. Айниқса, Альбрехт қаттиқ таъсирланади, ўзи учун умрини фидо қилган, ҳаётда энг машаққатли ишни бажарган, аммо ҳеч қачон иккаланмаган, нолиб, дардихол қилмаган укасини кўзлари ёшга тўлган қаттиқ кучиб олади.

Альбрехт табиятан ижодкор эмасми, укасининг фидойилиги унинг бутун вужудини ларзага солади ва у укасининг мажруҳ қўллари тасвирини қозғога кўчиради. Бу укасининг фидойилигига эҳтиром рамзи эди. У суратга оддийгина тарзда «Қўллар» деб ном қўяди. Буни қарангки, ушбу асар кутупхонада машҳур бўлиб кетди. Кейинчалик санъат аҳли асарни «Дуога чўзилган қўллар» деб номлайди ва бу ном асарнинг маъно-моҳиятига худди узуқка қўйилган кўздек мос тушади.

...Шундан буён орадан беш аср вақт ўтган бўлса-да, дунёнинг йирик музейларида Альбрехт Дюрернинг юзлаб портретлари, кўмир ва қумуш қаламларда чизилган суратлари, ёғоч ва мис ўйма нақшлари миллионлаб санъат ихлосмандларининг эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Уларнинг орасида «Дуога чўзилган қўллар» сурати саховатли ва фидойи укасининг жўмардлиги тимсоли сифатида кўр тўкиб турибди...

«Тақдир ғаройиботлари» деганлари шу бўлса керак, эҳтимомми?

Интернет материаллари асосида  
Бобомурод РАЙИМОВ тайёрлади.



## Жиноятга жазо муқаррар

Бир неча ой илгари ижтимоий тармоқларда шофирконлик аёлнинг вояга етмаган, ўрта аҳволдаги фарзандини ўза шафқатсизлик билан муттасил равишда уриб-дўппослаб келгани ҳақидаги хабар тарқалган эди. Дастлабки тергов ва суриштирув чоғида бу ҳолатлар ростидан рўй бергани тасдиқланди. Яқинда ушбу жиноят иши судда кўриб чиқилди.

Тартибсиз энгил-елли турмуш кечириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни унутиш кишини турли хил ташвишларга рўбарў қилиб, эл орасида иснодга қолдиради. Бухоролик Насиба Облоқулова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам оиллага энгил-елли муносабатда бўлгани, оила қуришда миллий қадриятларимизга риоя қилмагани, энг ачинарлиси, аёл шаънига доғ бўлиб тушадиган чекиш, спиртли ичимликлар ичишдек иллатларга рўжу қўйгани, шарм-ҳаё, ибод ва андишани унутгани изсиз кетмади. Буни унинг ўтган йиллардаги ҳеч қим ҳавас қилмайдиган кечмиши ҳам кўрсатиб турибди.

Н.Облоқулова 2016 йилдан Ғиждувон туманида яшовчи Рустам Қаландаров билан шаръий никоҳ асосида яшаб келган. Аммо никоҳнинг мўртлиги, оиланинг омонатлиги сабабли орадан кўп ўтмай Н.Облоқулова туғунини кўтариб, Р.Қаландаровнинг хонадонидан чиқиб кетди. Бироқ аллақачон шаънига доғ туширган аёлни ота-онаси ҳам уйга киритмайди.

Шундан сўнг у 2017 йилда ишлаш мақсадида хоржга кетди. У ерда Қарши шаҳрида яшовчи Бекзод исмли йигит билан танишади ва у билан бирга яшайди. 2018 йилнинг сентябрь ойида улар ўғил фарзандли бўли-



шади. Лекин навбатдаги жанжалдан сўнг Н.Облоқулова чақалогини олиб, Ғиждувонга қайтиб келади ва турли жойларда яшаб юради.

— Онам Зилола Зулфиқорова Н.Облоқуловага ёш боласи борлиги учун уйимиздан жой берган эди, — деди суд мажлисида Шофиркон туманидаги «Қўргони Вардонзе» маҳалласида яшовчи гувоҳ Ш.Шамсиева. — У дастлаб биз билан аҳил яшади. Кейинчалик унинг чекиш ва спиртли ичимликлар ичиш одати борлигини сезиб қолдик. 2022 йилнинг март ойидан бошлаб у вояга етмаган ўғлини уриб, дўппослай бошлади. Бу ҳол кунига тўрт-беш марта такрорланарди. Шунда онам болани ҳимоя қилиш мақсадида Н.Облоқуловани бир неча марта оғоҳлантирди. Боланинг оёғи синганини билганимиздан сўнг онам ўзининг телефон аппаратида Н.Облоқулованинг болани ураётганини видеотасвирга олган.

— Мен видеотасвирларни бирон жойга тақдим қилмаганман, — деди судда гувоҳлик берган З.Зулфиқорова. — Вояга етмаган боланинг оёғини уриб синдирганини бизга тўнжамасин, тўхматга қолмайлик деган мақсадда

тасвирга олгандим. Боланинг оёғини айнан Н.Облоқулованинг ўзи уриб синдирган.

Жиноят ишини судда кўриш жараёнида Н.Облоқулова яна бир ижтимоий хавфли қилмиши содир этгани маълум бўлди. Гап шундаки, З.Зулфиқорованинг гувоҳлик беришича, тўғри йўлдан адашган бу аёл 2023 йилда туғилган қизини Бухоро шаҳрида яшовчи «Бектемир» исмли шахсга 500 АҚШ долларига сотган...

Қисқаси, судда Н.Облоқулованинг қилмишлари қонун доирасида батафсил кўриб чиқилди. Суд судланувчига нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва хавфлилик даражаси, шароит ва сабаблари, шахси, оилавий шароити ва моддий аҳволи, муқаддам судлангани ҳамда хулқ-атворини инобатга олди. Н.Облоқулова Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисми «в» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шунингдек, суд Н.Облоқулованинг 2023 йилда туғилган вояга етмаган фарзандини Бухоро шаҳрида

яшовчи «Бектемир» исмли нотаниш шахсга 500 АҚШ долларига сотгани ҳолатига қонуний баҳо бериш учун иш материалларини туман прокуратурасига юборди. Шу тариқа фарзандини муносиб даражада тарбиялаш конституциявий бурчи ва мажбурияти эканини унутган, ўз жигарбандига нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлган Н.Облоқулова қонуний жазога тортилди. Бола давлат қарамоғига олинди. Бу юртимизда ҳар бир инсон қонун ҳимоясида эканининг амалдаги тасдиғидир.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мамлакатимизда ҳеч қим, жумладан, вояга етмаган болалар ҳам эътибордан четда эмас. Лекин бола тарбиясида онанинг ўрни бекиёс. Судланувчи Н.Облоқулова ноҳўя хатти-ҳаракатлари билан нафақат оналик шаънига доғ туширди, балки фарзанд меҳридан ҳам мосуво бўлди. Бу бошқалар учун сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас...

**Улуғбек БОЗОРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Шофиркон тумани суди раиси  
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
«Куч — адолатда» муҳбири

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди

Бош муҳаррир:  
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0224-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ  
Робохон МАХМУДОВА  
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ  
Икрам МУСЛИМОВ  
Шухрат ПОЛВАНОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ  
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ  
Замира ЭСОНОВА  
Азиз АБИДОВ  
Бобомурод РАЙИМОВ

## Саҳифаловчи:

Шерзод  
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонасида офсет усулида босилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Манзиллими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота  
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташиқлотлар учун - 575.  
Буюртма: G-715 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.  
Сотувда эркин нархда. Адади: 3680  
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21<sup>00</sup>. Топширилди: 22<sup>00</sup>.